



Активдорлар умумий йитилиши раиси

«ТАСЛИКЛАНАН»
«НІ-ТЕСН ВАНК» ХАТБ
Активдорларнинг умумий йитилишининг
2019 йил 29 июндаги қарори

«НІ-ТЕСН ВАНК» хусусий акциядорлик тижорат банки устаविға киритилган ўзгартиришлар



Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки раисининг
Ўринбосари
Б.Э. Захидов

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида
« 22 » *may* 2019 йилда
руйхатга олинган
Руйхатга олинш рақами *8018*

«HI-TECH BANK» хусусий акциядорлик тижорат банкнинг уставига киритилган

**Ўзгартиришлар
МАТНИ**

1. Банк Уставининг 3.14. банди олинб ташлансин:
«Чет эл валютасидати операцияларни амалга ошириш учун Марказий банк томонидан берилган бош лицензия мавжуд бўлган тақдирда, Банк мазкур лицензия ва Марказий банк томонидан белгиланган қонун ҳужжатлари асосида чет эл валютасидати операцияларни амалга ошириши ҳақиқир.»

2. Банк Уставининг 5.3. банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:
«Банк Устав капиталининг миқдори 101 628 761 890 (бир юз бир миллиард олти юз илтирма саккиз миллион етти юз олтиш бир минг саккиз юз тўқсон) сўмни ташкил қилган ҳамда номинал қиймати 1 565 (бир минг беш юз олтиш беш) сўм бўлган 64 938 506 (олтиш тўрт миллион тўққиз юз ўттиз саккиз минг беш юз олти) дона эгасининг номи ёзилган хужжатсиз олтий жойлаштирилган акциялардан иборат.»

3. Банк Уставининг 6.11. банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:
«Банк Устав капиталини қўлайтириши мақсадида, жойлаштирилган акцияларга қўшимча равишда жойлаштиришга ҳақли бўлган қилинган акцияларининг сони номинал қиймати 1 565 (бир минг беш юз олтиш беш) сўм бўлган 10 383 383 (ўн миллион ўч юз саксон ўч минг ўч юз саксон ўч) дона олтий, хужжатсиз, эгасининг номи ёзилган акциялардан иборат.»

4. Банк Уставининг 7.8. банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:
«Банк томонидан акцияларни ва акцияларга айробошланган, ҳақиқил маблаглари билан тўланган эмиссиявий кимматли қозғаларни жойлаштиришда овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар уларни имтиёзли равишда олиш ҳуқуқига эга.»

5. Банк Уставининг 11.7. бандининг н) қичик банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:
«н) мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотини хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва ў билан шартнома тўзиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;»

6. Банк Уставининг 11.15. банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:
«Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги ҳабар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камидан 21 кундан кечиктирмай, лекин ўзоти билан 30 кун олдин, Банкни қайта ташкил этиш масаласи қўрилан ҳола йиғилиш ўтказилишидан 30 кун олдин Корпоратив ахборот яғона порталида, Банкнинг расмий веб-сайтида, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.»

7. Банк Уставининг 11.17. банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:
«Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана уни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан 24 кундан кам ва 30 кундан кўп этиб белгиланиши мумкин эмас.»

8. Банк Уставининг 12.3. бандининг е) қичик банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:
«аудиторлик текширувини ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бўлган мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва ў билан шартнома тўзиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;»

Банк Бошқарув раиси

Б.Б. Сатторов